
“Мўътабар аёл” соҳибаси “Дўстлик” ордени билан тақдирланди



“Мўътабар аёл” соҳибаси “Дўстлик” ордени билан тақдирланди

Бугун мамлакатимиз эришаётган зафарларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, бунда фарғоналиклар, жумладан, Сухлик хотин-қизларнинг ўзига хос ўрни борлигига яна бир бор амин бўламиз. Олис Сухда истиқомат қилаётган аёлларимиз ҳар жабҳада юксак марраларни эгаллашда фаол қатнашмоқдалар.

Уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларида ҳам ташаббус кўрсатиб самарали меҳнат қилаётганлари бугун яққол намоён бўлиб турибди. Ана шундай айёллардан бири, Сариканда қишлоқ врачлик пунктнинг умумий амалиёт шифокори, тумандаги илк шифокор аёл Даҳиятпоччо Саидбекованинг фаъолиятига назар ташлашасак, меҳнат қилган, халқнинг хизматида бўлган одам албатта бир кун келиб қадрланиши, юксак марраларни забт этишига амин бўламиз. Халқаро хотин қизлар кунида Президент фармони билан “Дўстлик” ордени билан тақдирланган Даҳиятпоччо Саидбекованинг ҳовлиси бугун ҳар галгидан ҳам гавжум. Қутлаш учун туман ҳоқими Фаррух Усаров раҳбарлигида келган ҳоқимлик вакиллари, маҳалла - кўй, қариндош-уруғлар юртимизда айёлларга берилаётган эътибор сўнги йилларда давлат аҳамияти даражасига кўтарилгани хусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар.



“Меҳнат қилган элда азиз” деб бежиз айтилмаган доно халқимиз. Бугун Президентимизнинг бевосита эътибори туфайли хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи мустаҳкамланаётир. Қувонарлиси шундаки, шифокор аёл бу йил “Дўстлик” орденидан ташқари “Муътабар аёл” кўкрак нишони билан ҳам тақдирланди. Зеро, бу каби фидокорлик намунасини кўрсатиб келаётган, юртимизнинг эртанги куни учун салмоқли ҳисса қўшаётган айёлларимизни канчалик эъзозласак, ардоқласак арзийди.

Даҳиятпоччо Саидбекова каби фидокор айёлларимизнинг меҳр-муҳаббати, вафо ва садоқати ҳамда фидойилиги сабабли ҳаётимиз чароғон. Ана шундай фидойий айёлларимизнинг ҳаёт йўли келажак авлодга ибрат мактаби бўлади десак, муболаға эмас.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-03-11 15:46:19